

QORAQALPOG'ISTON RESPUBLIKASI
XALQ TA'LIMI VAZIRLIGI



QARAQALPAQSTAN RESPUBLIKASI
XALIQ BILIMLENDIRIW
MINISTRILIGI

Nukus shahri, 230100, A.Dosnazarov k. 62 No'kis qalasi, 230100, A.Dosnazarov k. 62

Tel: (0-361) 2222437, 2229830: www.kkedu.uz, www.qqr.uzedu.uz, e-mail: qoraqalpogiston_xtv@xtv.uz

07 - Апрель 2021-jil.

№ 03-019-1690

**Қорақалпоғистон Республикаси
Вазирлар Кенгашига**

Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Сизга, 2021 йил 31 марттаги 1/89-сон кириш хужжатингиз асосида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февральдаги ПФ-6155-сонли фармони 227-бандига мувофиқ ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мамлакатимизда чет тилларини ўқитиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори лойиҳаси бўйича фикр ва мулоҳазаларини иловада тақдим этмоқда.

Вазир ўринбосари

Ш.Таджимуратов

ижрочи: Б.Хамидуллаев

Тел: +99897 359-11-33

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мамлакатимизда чет тилларини ўқитиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори лойиҳаси бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги фикр-мулоҳазалари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февральдаги ПФ-6155-сонли фармони 227-бандига мувофиқ ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мамлакатимизда чет тилларини ўқитиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори лойиҳаси мукамал ишлаб чиқилган.

Фикримизча Қарорнинг 2-банди, а ва б пунктларида 2021-2022 ўқув йилидан бошлаб умумий ўрта таълим муассасалари, касб-хунар мактаблари битирувчилари чет тилини CEFR тизимининг камида В1, ихтисослаштирилган мактаб, академик лицей битирувчилари чет тилини CEFR тизимининг камида В2 ёки унга тенглаштирилган бошқа етакчи халқаро баҳолаш тизимларининг мос даражасида билиш талаби бўйича янги ўқув дастурлари ва дарсликларни ишлаб чиқиш керак ва бу талабларни бажаришда ўқитувчиларнинг ўқувчилар билан кўпроқ яқка тартибда ишлашлари учун ҳар бир гуруҳда ўқувчилар сонини 8-10 нафардан оширмаслик;

Қарорнинг 6-банди е пункти бўйича чет тили фани методистларининг умумтаълим мактабларига таъсир кучи кенглигини ҳисобга олиб ўларни ҳам етакчи хорижий таълим муассасаларида малака оширишини кўриб чиқиш;

Шароитдан келиб чиқиб айрим халқ таълими тизимидаги раҳбар ходимлари ва таълим муассасаси раҳбар ходимлари учун чет тилларини билишнинг CEFR тизимининг камида В1 ёки унга тенглаштирилган бошқа етакчи халқаро баҳолаш тизимининг мос даражадаги сертификатларига эга бўлиш талабини қўйиш;

Ўзбекистон телевидениеси орқали аҳолининг кенг қатламини инглиз тилини ўрганишга йўналтирадиган кўрсатувларни бериб бориш;

Олий таълим муассасалари ўқувчиларининг болалар ёзги оромгоҳларида ва умумтаълим мактаблари ёнида ташкил қилинадиган ёзги ўқув оромгоҳларида амалиёт ўташини ташкил қилиш;

Ўқувчилари чет тиллари бўйича ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабларига қабул қилинган ўқитувчиларни рағбатлантириш механизминини ишлаб чиқиш таклиф қилинади.

Республика ўқув-методика
маркази директори



Қ.Жубанов